


# Бу ерада сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин



РАҲБАРЛАР, ИҚТИСОДЧИЛАР,  
ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ЁШ ОЛИМЛАР  
**ДИҚҚАТИГА!**

“Biznes-Эксперт” журналига йил давомида обуна бўлиш мумкин.  
Нашрга обунани расмийлаштиргач,  
Сиз ишончли эксперт ахборотига эга бўласиз.

Журналга “Ўзбекистон почтаси” АЖ, “Matbuot tarqatuvchi” АЖ  
ва бошқа обуна агентликлари орқали обуна бўлиш мумкин.

Ундан ташқари Сиз обуна шартномасини тўғридан-тўғри  
“Бизнес-Daily Медиа” Ноширлик уйи МЧЖ билан ҳам  
расмийлаштиришингиз мумкин. Обуна индекси – 1169.

Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: (99871) 259-21-96, 259-21-95.

# Biznes-Эксперт

№ 1, 2023

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

МОЛИЯ

ҚИММАТЛИ ҚОФОЗЛАР

ИЛМИЙ АМАЛИЁТ

Ушбу сонда:

Мамлакат инвестиция жозибадорлигини  
ошириш йўллари

3



В этом выпуске:

Влияние цифровой трансформации  
на социально-экономическое  
развитие Узбекистана

59

ПРИВАТИЗАЦИЯ

ФИНАНСЫ

ЦЕННЫЕ БУМАГИ

НАУЧНАЯ ПРАКТИКА

## ДИҚҚАТ!

“Бизнес-Daily Медиа” ноширлик уйи МЧЖ ва EBSCO Publishing, Inc. (АҚШ) ўртасида 2017 йил 8 августа  
тузилган лицензия шартномасига асосан,  
“Biznes-Эксперт” журнали жаҳоннинг энг йирик  
академик нашрлар электрон тизими хисобланган  
EBSCOhost маълумотлар базасига киритилган ва шу  
тизим орқали дунё бўйлаб тарқалмоқда.

## ВНИМАНИЕ!

Согласно постановлению Президиума Высшей  
аттестационной комиссии при  
Кабинете Министров Республики Узбекистан  
№201/3 от 30 декабря 2013 года, журнал  
«Biznes-Эксперт» внесен в реестр научных  
изданий Высшей аттестационной комиссии для  
докторских диссертаций.

# Мундарижа

## Инвестиция

Бахитжан САРСЕНБАЕВ,  
Шаряр БИЙСЕНБАЕВ, Гульзада АЙТБАЕВА.  
Мамлакат инвестиция жозибадорлигини  
ошириш йўллари

3

## Иқтисодиёт

Алишер ТУРСУНОВ.  
Алишер Навоийнинг иқтисодий қарашлари

6

## Бошқарув

Шуҳрат МУХИТДИНОВ.  
Ишлаб чиқариш корхоналарида рискларни  
бошқаришнинг замонавий усуллари

9

## Маркетинг

Шахноза НУРИЛЛАЕВА,  
Саодат САЙДУЛЛАЕВА,  
Наима ИСАКОВА.  
Инвестицион мұхит жозибадорлигини  
ошириш йўллари

12

## Кичик бизнес

Рахматулло РАШИДОВ.  
Кичик бизнесни ривожлантириша  
инновацион жараёнларни  
инфратузилмавий қўллаб-куватлаш зарурити

15

## Сугуфта

Саодат АБДУМУМИНОВА.  
Ўзбекистон ҳаёт сугуртаси менежменти  
самарадорлигини  
оширища муҳим кўрсаткичлар таҳдили

18

## Меҳнат бозори

Фарруҳ АНАРКУЛОВ.  
Ўзбекистон Республикаси иқтисодий  
хавфисизлигини таъминлашда меҳнат  
бозоридаги таҳдидларга қарши курашиб  
механизмлари

23

## Жараён

Тохир АКРАМОВ.  
Худудларнинг инвестицион  
жозибадорлигини ошириш йўллари

27

## Тадқиқот

Шерзодбек ИБРОГИМОВ.  
Курилиш материаллари ишлаб  
чиқариш корхоналари фаолиятининг  
иқтисодий самарадорлигини  
бошқариш омиллари

30

## Олий таълим

Иззатила ЛЕВАКОВ.  
Олий таълимда самарали бошқарув  
стратегияларининг асосий хусусиятлари  
ва назарий масалалари

33

## Таҳдил

Ширинхон ХАБИБУЛЛАЕВА.  
Давлат иштирокидаги корхоналар  
корпоратив бошқарувини такомиллаштириш

38

## Стратегия

Набижон АКРАМОВ.  
Тўқимачилик корхоналарида  
стратегик бошқарувнинг даражалари  
асосида бошқариш самарадорлигини  
баҳолаш усулларини такомиллаштириш

41

## Тадбиркорлик

Азиза ЭРГАШЕВА.  
Хунармандчilik маҳсулотлари бозорида хизмат  
курсатишнинг ўзига хос хусусиятлари

45

# Содержание

## Экономическая безопасность

Салима ХАШИМОВА.  
Экономическая безопасность  
предприятий черной металлургии

48

## Реформы

Рахимахон БОТИРОВА, Икромиддин  
СИРОЖИДДИНОВ.  
Реформирование сельского хозяйства как  
важное условие достижения и укрепления  
продовольственной безопасности

51

## Финансы

Азиза АХМЕДОВА.  
Эффективные источники  
финансирования деятельности  
предпринимательских субъектов

55

## Цифровая экономика

Барно САТТАРОВА.  
Влияние цифровой трансформации  
на социально-экономическое  
развитие Узбекистана

59

## Иновации

Гулнора БЕКИМБЕТОВА.  
Анализ рисков в оценке эффективности  
инвестиционно-инновационных проектов

63

## Банк

Вилоят ГАЗИЕВА.  
Совершенствование контроля доступа с  
использованием технологии бесконтактного  
считывания ID-карт в банковской сфере

69

## Тенденции

Камола УЗАКОВА.  
Современные тенденции страхового рынка

73

УЎТ: 338.45

# Хунармандчилик маҳсулотлари бозорида хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари

## Отличительные характеристики предоставления услуг на рынке ремесленных изделий

### Different characteristics of provision of services in the market of crafts

Азиза ЭРГАШЕВА,  
Бухоро давлат университети таянч докторанти.

#### Аннотация

Уибу мақола ҳунармандчилик маҳсулотлари бозорида хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятларига багишланган бўлиб, “ҳунарманддан истеъмолчига” усулини қўллаш орқали ишлаб чиқарилган ҳунармандчилик маҳсулотларни воситачиларга сотиш, анъанавий тарзда сотиш, онлайн бозорларда сотиш усуллари таҳдил қилинган. Таҳдил натижаларини умумлаштириб, ҳунармандчилик маҳсулотларини сотиш бўйича умумий хуносаларга келдик.

Данная статья посвящена специфике обслуживания на рынке изделий кустарного промысла, а также методам реализации изделий кустарного промысла, произведенных методом «ремесленник – потребитель», посредникам, реализации традиционным способом, реализации в интернет-маркетах. Подводя итоги анализа, мы пришли к общим выводам о продаже изделий кустарного промысла.

This article is devoted to the specifics of servicing the handicrafts market, as well as methods of selling handicrafts produced by the “artisan-consumer” method, to intermediaries, selling in the traditional way, selling on Internet markets. analyzed. Summing up the analysis, we came to general conclusions about the sale of handicrafts.

Хизмат кўрсатиш иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланиб бориши ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулот таркибини ҳам ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ҳозирги вактда муайян мамлакатни ривожланган мамлакатлар қаторига қўшиш учун яратилаётган ялпи ички маҳсулот таркибида хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасининг 65 фоиздан юқори бўлиши асосий мезон ҳисобланади. Масалан, АҚШ иқтисодиётида яратилган ялпи ички маҳсулот таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 78,0 фоизни ташкил этади ва унда ишлаб чиқариш фондларининг 40,0 фоизи мазкур соҳа ҳиссасига

тўғри келади. Европа Иттифоқи мамлакатларида эса ялпи ички маҳсулотнинг 65,0-70,0 фоизи, Японияда 62,0 фоизи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, дунё бўйича тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмининг 40,0 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтирилган<sup>1</sup>.

Халқаро валюта фонди маълумотларига кўра, XXI асрнинг бошларида барча турдаги хизматлар ҳажми 1500,0 трлн. АҚШ долларини (бу кўрсаткич жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 70,0 фоизини ташкил этади) ташкил этган. Халқаро савдо хизматлари эса, жаҳон хўжалигининг барқарор ривожланувчи секторини ташкил этади.

**Калит сўзлар:** хизмат, ҳунарманд, ҳунармандчилик маҳсулотлари, бозор, онлайн бозор, тадбиркорлик

<sup>1</sup> О. Изряднова Раздел 4. Реальный сектор экономики // Российская экономика. Тенденции и перспективы. 2017. №39. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/razdel-4-realnyy-sektor-ekonomiki-2> (дата обращения: 23.01.2023).

## ТАДБИРКОРЛИК

Бугунги кунда мамлакатимизда хизматлар соҳасини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Мазкур соҳанинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улушини кўпайтириш учун жойларда хизматлар соҳасидаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш лозимлиги ҳам устувор вазифалардан биридир. Айниқса, замон талабидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш ниҳоятда мухимdir.

Таъкидаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, унга асосан “хизматлар соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улушини кўпайтириш, жойларда хизматлар соҳасидаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича ўз ечимини кутаётган муаммоли масалаларни ҳал қилиш, мазкур йўналишда тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг ғоя ва ташаббусларини рағбатлантириш” масалалари қўйилган эди”<sup>2</sup>.

Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида иқтисодий муносабатлар тизимида ўз ўрнига эга бўлиб, жамиятдаги иқтисодий қонуният ва қонунларга бўйсунади. Тармоқларнинг ҳамқаро таснифида уч секторни ажратиш қабул қилинган: бирламчи (қишлоқ хўжалиги, қазиб олиш саноати), иккиласмчи (қайта ишлаш саноати) ва учламчи (хизмат кўрсатиш соҳаси ёки ижтимоий соҳа)<sup>3</sup>.

Биринчидан, маҳсулотлар белгиланиши бирлиги нуқтаи назаридан хизмат соҳаси маҳсулоти қийин ва қарама-қарши тушунчадир. Истеъмол фондини кўпайтиришга йўналтирилган хизматлар ижтимоий соҳа маҳсулоти сифатида қўрилиши мумкин.

Иккинчидан, истеъмол қилинадиган ресурслар хилма-хиллиги нуқтаи назаридан ушбу ўхшашлик “номоддий маҳсулотлар” истеъмол қилинадиган ресурслардаги ўхшашлик харажатларнинг ўз структурасида ҳам намоён бўлади, улар бир-биридан кескин фарқ қиласади.

Учинчидан кадрлар таркибининг ўзига хос белгисига қўра хизмат кўрсатиш соҳасида бу биринчи навбатда шунда намоён бўлади, ундаги асосий ишловчилар ўрта ва олий маълумотли мутахассислар ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти реал тармоқлари ва

ижтимоий соҳаларининг барқарор ривожланиши уларга кўрсатилаётган хизматларнинг инновацион турларини жадал татбиқ қилиш ва самарадорлигини оширишга чамбарчас боғлиқ бўлиб бораёттанилигини алоҳида таъкидаш жоиз.

Айниқса, миллий ҳунарманҷчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳунарманҷчиликни янада ривожлантириш, ҳалқ ҳунарманҷчилиги ва амалий санъатнинг анъанавий турларини сақлаш ҳамда қайта тиклаш, ҳунарманҷчилик маҳсулотларининг рақобатдошлигини ва сифатини ошириш бўйича тизимли ва мақсадли чора-тадбирларни амалга оширилмоқда. Бу борада аҳолини ҳунарманҷчилик фаолиятига кенг жалб этиш, ҳунарманҷчилик соҳасида бандликни кенгайтириш учун қуладай шарт-шароитлар яратиш, ҳунарманҷдарни давлат рўйхатига олишда кўмаклашиш, ҳунарманҷчилик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг ягона реестрини юритиш устувор йўналишлар этиб белгиланган.

Шуни эътироф этиш керакки, айрим мамлакатларда, хусусан, ўзимизда ҳам, ишлаб чиқарилган ҳунарманҷчилик маҳсулотлари анъанавий тарзда сотилади. Бунинг ўзига яраша қулайликлари мавжуд. Биринчидан, ҳунарманҷчилик маҳсулотларига бўлган талабнинг нархи бир мунча арzonлиги туфайли кўпроқ. Иккинчидан, ҳунарманҷдарнинг оладиган даромадлари ўзларига қолишидан ҳам уларнинг ўзлари манфаатдор. Учинчидан, маҳсулотларни сотишнинг қулайлиги, кўриниши, миллийлиги ва бошқа хусусиятларга боғлиқ афзалликларнинг мавжудлигидир.

Тадқиқотимиз натижасида “ҳунарманҷдан истеъмолчига” усулини қўллашни тизимли равишда таҳдил қилиб, қуйидаги йўналишдарнинг самарадорлигини ўргандик. Биринчиси, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва воситачига сотиш усули. Иккинчиси, маҳсулотларни онлайн бозорларда сотиш усули (1-чизма).

Юқорида қайд қилинганлардан шундай хуласа келиб чиқадики, айрбошлашнинг бозор муносабатлари доирасида ҳаракат қилиб, сервис фаолияти ушбу муносабатлар билан тартибга солинади, уларнинг талабларига таалукли равишда шакланади. Бироқ ҳунарманҷчилик маҳсулотларини сотишда хизмат кўрсатиш меҳнат тавсифи бозордан ташқари элементларга боғлиқ бўлади.

Чунки, хизмат кўрсатиш бўйича меҳнат, саноат,

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги имзоланган “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори:// “Халқ сўзи” газетаси. 2021 йил 2 май. 1-2-бетлар.

<sup>3</sup> Т.Д. Бурменко Экономика сферы услуг (Вводный курс) / Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2004. –С.37-38.



## Маҳсулотларни воситачиларга сотиш усули

Кўп ҳунармандлар маҳсулотларни ишлаб чиқариб сотишни афзал кўрадилар. Улар бирданига, ўша ишлаб чиқарилган жойнинг ўзида сотиб юборадилар. Бу усул ортиқча ташвишсиз ҳал бўлганлиги учун қулай ҳисобланади.



## Маҳсулотларни анъанивий тарзда сотиш усули

Жуда кўп ҳунармандлар маҳсулотларни ўзларининг дўйконларида ва бозорларда анъанивий тарзда сотишни афзал биладилар. Бу усудда фақат мослаштирилган бино бўлса, етарли. Бунда ҳам ташвиш камроқ, вақт ва харажатлар кўпроқ бўлади.



## Маҳсулотларни онлайн бозорларда сотиш усули

Хозирги пайтда жуда кўп ҳунармандлар ўз маҳсулотларини махсус онлайн бозорларда сотишни афзал билмоқдалар. Ушбу усул албатта самаралироқ бўлиб, маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етиб боришига ёрдам беради ва даромаднинг ортишига олиб келади.

### 1-чизма. Ҳунарманҷилик маҳсулотларни сотиш усуллари.

қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришдагидан фарқ қиласи. Яъни, моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишчи физик материаллар шаклини ўзгаририди ёки биологик ресурслар билан иш олиб боради. Саноат ёки қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини яратиш борасида инсон, катта энергия сарфлайди. Ушбу сарфни ҳисоблаш ва иш ҳақи тарзида қоплаш мумкин. Ушбу жараёнда ишловчи қандайдир дастлабки материални қайта шакллантириди ва охирги натижада товар мақомига эга бўлган янги хом ашё ёки маҳсулот олади. Олинган маҳсулотлар шакл, оғирлик, ҳажм ва бошқаларга эга бўлади, шунингдек, маълум қиймат ифодасини намоён этади.

Хизмат кўрсатиши соҳасида меҳнат бошқачароқ

тавсифга эга. Бу ерда ишловчи авваламбор инсон, унинг эҳтиёjlари ва хоҳишлари билан дуч келади. Хизматлар ўраб турган атроф-муҳитда, инсон қиёфаси ёки унинг онгида конструктив ўзгаришларни амалга оширади, ушбу ўзгаришлар предмет – буюми тавсифда аниқ ифодаланмайди. Масалан, сартарош меҳнати, ўқитувчи меҳнатининг ижтимоий-ижобий самара беришини ҳеч ким инкор этмайди. Лекин, хизматлар ишлаб чиқувчилари ва истеъмолчилари ҳаракат қила-диган ҳолат, уларнинг ўзаро ҳаракатларисиз амалга ошияди. Бу сервис фаолиятида у ёки бу томоннинг ўзаро қатнашишининг муҳимлигидан далолат беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- О.Изряднова. Реальный сектор экономики // Российская экономика. Тенденции и перспективы. 2017. №39. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/razdel-4-realnyy-sektor-ekonomiki-2> (дата обращения: 23.01.2023).
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майда имзоланган “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори./ / “Халқ сўзи” газетаси. 2021 йил 2 май. 1-2-бетлар.
- Т.Д. Бурменко. Экономика сферы услуг (Вводный курс) / Т.Д.Бурменко. -Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2004. -С.37-38.
- Ф.Котлер, К.Л. Келлер. Маркетинг. Менежмент. 14-с издание. – СПБ., 2015. 800 с.
- Sh.J. Ergashxodjaeva. Strategik marketing. Darslik. – T.: Ozbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2014. – 240 b.
- Ш.Дж. Эргашходжаева, А.Н. Самадов, И.Б. Шарипов. Ўзбекистонда инновацион маркетингни ривожлантириш истиқболлари. Рисола. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. -51 б.
- Ж.Р. Тохиров. Сущность и особенности аграрного туризма // Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального природопользования. – 2017. – С. 228-232.
- Р.С. Муратов, И.А. Джалолова, С.Ш. Орипов. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. –Тошкент, 2014. 35-б.